
Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фурқат туманида тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Навбахор МФЙ Темирйўлчи кичик саноат зонасида “Гуллар Азиза” МЧЖ томонидан пластмасса яшиқлар ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилди. Озарбайжон ва туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонада 30 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоят раҳбари бу ердаги иш жараёнини кўздан кечириб, кейинги босқичдаги лойиҳа бўйича ишларни ҳам кўрди. Бу ерда меваларни қуритиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 30 хилдан ортиқ мевалар қуритилиб, қадоқланади. Декабрда ишга туширилиши режалаштирилаётган лойиҳа натижасида яна 100 нафар киши иш билан таъминланади. Айни кунларда дастгоҳларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

“Furqat in tex” МЧЖ томонидан калава ип ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Таъсисчи “Musavvar tex” МЧЖ бўлиб, лойиҳа қиймати 25 млн. доллар. Корхона ишга тушиши натижасида 500 та иш ўрни яратилади.

Вилоят ҳокими бу ердаги жараённи кўздан кечириб, лойиҳа доирасидаги ишларни жадаллаштириш борасида топшириқлар берди.



ФУРҚАТ ТУМАНИДА "ГУЛЛАР АЗИЗА" МЧЖ ТОМОНИДАН ПЛАСТМАССА ЯШИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХАСИ

<p>Лойиҳа қиймати 7 646 млрд.сўм</p>	<p>Ўз маблағи 4 521 млрд.сўм</p>	<p>Банк кредити 3 125 млрд.сўм</p>	<p>Умумий ер майдони 0,91 гектар (<i>бино-иншооти</i> <i>0,0</i> минг кв.м.)</p>	<p>Хизмат кўрсатувчи банк</p> <p>SANOAT QURILISH BANK</p>
<p>Лойиҳа мақсади</p>	<p>Тумanning саноат салоҳиятини янада ошириш, юқори малакали ишчи ўринлари яратиш, импорт ўрнини ПЛАСТМАССА ЯШИКЛАР ишлаб чиқариш.</p>			
<p>Яратиладиган иш ўрни</p> <p>30 та</p>	<p>Йиллик қуввати</p> <p>45,0 минг.дона</p>	<p>Йиллик экспорт ҳажми</p> <p>2,0 млн.доллар</p>	<p>Ишга тушириш муддати</p> <p>2024 йил июн</p>	
<p>Бюджетга тушум</p> <p>3,9 млрд.сўм.</p>	<p>Йилига 7.8 млрд.сўм маҳсулотлар ишлаб чиқарилади</p>		<p>Экспорт географияси:</p> <p>МАҚ</p> <p>ЕВРОПА</p>	



